



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 (11.621)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизини ишлаб чиқаришга эришмоқдаки, бу албатта мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганлиги самарасидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юртимизда Президент соврини учун аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус-2010» кўрик-танлови ҳам ана шундай қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришнинг ёрқин кўринишидир.



МАҲОРАТ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Мухташам «Туркистон» саройида «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда. Тадбирнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан голиб ҳамда омадиллар — 41 нафар тадбиркор, хунарманд ва фермерлар маҳорат ҳамда изланишларини намойиш этишиб, ўзаро беллашишмоқда.

— Бу сафарги бизнес марафон бир ой давом этди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-санот палатаси раиси Алишер Шайхов. — Унда олти мингга яқин тадбиркор, фермер ва хунармандлар иштирок этишди. Айтиш жоизки, ушбу кўрик-танловнинг ўтган йиллар мобайнида нуфузи орди, қатнашчиларимиз нафақат сон, балки

сифат жиҳатидан ҳам ўсди. Буни уларнинг фаолияти билан танишиб, изланишу келажак режаларидан воқиф бўлиб яққол сезиш мумкин. Республика босқичида фақат голиб бўлишнинг эмас, балки олий соҳага даъвогарлик қилишнинг ўзи ҳам юксак шарафдир. Шу боис айта оламаники, кўрик-танловнинг якуний босқичига етиб келганларнинг барчаси голиб. Мамлакатимизда мазкур соҳаларда эришилаётган ютуқларда бугунги иштирокчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Очилиш маросимида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2010» кўрик-танлови лауреати дипломи тантанали равишда топширилиши

барчани руҳлантириб юборди. Иштирокчилар томонидан ташкил этилган кўргазмалар намойиши эса бири беридан эътиборли ва хилма-хил. Тадбиркорларнинг сифатли ҳамда рақобатбардод товарлари, хунармандларнинг халқ амалии санъатининг ёғоч ўймакорлиги, зардулик, пичоқчилик, мисгарлик, мусиқа асбобларини ясаш, кўғирчоқ устачилиги, लोक миниатюриси йўналишларидаги бетақор буюмлари, эл-юрт дастурхонига фойз бағишлаётган фермерларнинг кўрган кўзларни қувнатадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақиқий изланиш, ташаббус кўрсата билиш, имкониятлардан оқилона фойдаланиш самараси эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шу ўринда кўрик-тан-

лов иштирокчилари бўлган «Замонавий полимер қувур» (Жиззах), «Ал-Ҳаким» (Навоий), «Тиббиёт мебель» (Самарқанд) сингари ишлаб чиқарувчи корхоналар, «Уста Сафар ота», «Олмазор», «Рамазон Темурмалик» фермер хўжаликлари ҳамда қўллаб-қўзғаларнинг интилишларини, иқтисодий-тизим ривожига қўшаётган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу албатта, уларнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайлидир. Қўлга киритилаётган ютуқларнинг асосий боиси дунёда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кечаётган бир пайтда республикамизда бизнес юртишига қулай шарт-шароитларнинг яратилаётганидир.

(Давоми 2-бетда).

«Ташаббус-2010»

МЕҲР-ОҚИБАТ, ҲАМЖИҲАТЛИК АЙЁМИ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика байналмилал маданият маркази томонидан Наврўз байрамига бағишланган бадий-муслиқ тадбир ташкил этилди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.

Республика байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Мухаммадиев мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, жамиятимизда ўзаро ҳамжихатлик, аҳиллик, эзгулик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бир юз элликдан ортиқ миллат ва элат, турли диний конфессияларнинг вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳиллик ва ҳамжихатликда истикомат қилмоқда. Юртимизда миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эмин-эркин таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллаши, истеъдодини рўйбга чиқариши, меҳнат қилиши, миллий ва маданий аънавалари, урф-одат ва қадриятларини асраб-авайлаши, янада ривожлантириши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган.

Бу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда Республика байналмилал маданият маркази муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Марказ томонидан ўтказилаётган турли ижтимоий-маърифий лойиҳалар, кўрик-танловлар, илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, кўргазмалар, муслиқ фестиваллар, санъат ва дўстлик фестиваллари, маънавий-маърифий тадбирлар жамиятимизда миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, эзгулик, ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди.

Санъат усталари, ёш ижрочилар, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказларнинг бадий ҳаваскорлик жамоалари томонидан катта концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Ақбарова сўзга чиқди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЮРТГА СОДИҚЛИК ҚАСАМЁДИ

Орият, садоқат ва лафзни ҳамма нарсдан устун қўядиган халқимиз қасамёд қилганларга юксак ишонч билдирган. Ота-боболаримиздан ўтиб келаётган бундай эзгу фазилатлар эса бардавондир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда Қуролли Кучларимиз шарафига бунёд этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкали пойида илк бор ўтказилган аскарларнинг қасамёд қилиш маросимида шулар ҳақида сўз юритилди.

Тегишли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон мудофаа вазирининг ўринбосари Т.Ҳамроқулов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари М.Зуфарова, аскар онаси Раъно Ҳамдамова ва бошқалар аскарларни халқимизга, Президентимизга са-

доқат билан хизмат қилишга тантанали қасамёд қилгани билан табриқлаб, уларни ўз йигитлик бурчини виждонан ўташга чақирди.

Тадбирда мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида муқаддас ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда дав-

латимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муқаддас ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим омил бўлаётди.

— Ушбу бетақор мону-мент Ватанга садоқат, халқимизнинг фидойи ўғлонларининг мардлиги ва жа-

соратининг ёрқин тимсолидир, — дейди капитан Абдуҳаким Набижонов. — Аскарларнинг қасамёд қилиш маросими бу ерда ўтказилиши улғайра чексиз гуруҳ ва ифтихор бағишлайди.

Юртбошимиз ушбу мону-ментнинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, ёш авлоднинг миллий ғоя, мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда улар учун маънавий ибрат бўлиб хизмат қилади-

ган бундай таъсирчан бадий тимсолларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бухоро вилоятининг Ромитан тумани мудофаа ишлари бўлимидан ҳарбий хизматга қақирилган Рамзиддин Солиев сафдошлари қатори жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қилди.

— «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилиш маросимини телевизор орқали кўриб, кўнглимдан шу монумент олдида қасамёд қилиш орзуси ўтган эди, — дейди оддий аскар Р.Солиев. — Бугун шу орзум амалга ошди — монумент рўпарасида қасамёд қабул қилдим. Бу — мен учун бахт. Бу кун ҳаётимдаги энг қувончли, унутилмас кун бўлиб қолади.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиз» ҳамда «Асосий вазифамиз —

Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» маърузаларининг мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган йиғилишда туман фаоллари, ёшлар иштирок этишди.

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида Баркамол авлод йилга бағишлаб ўтказилган тадбирда баркамол авлоднинг тарбиялашда маънавийнинг ўрни ҳақида сўз борди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Халқ демократик партияси шаҳар Кенгаши ташаббуси билан партия фаоллари ва ёшлар иштирокида шу кунгача бағишланган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Тошкентдаги Миллий санъат марказида аънавий «Bazar-Art-2010» кўргазма-ярмаркаси якунланди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг «IJOB» уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 100 дан зиёд уста ва хунармандлар иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлабки тергов ва суриштирув органлари томонидан жиноятлар ҳақидаги хабарлар ва аризаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуннинг Ички ишлар вазирлиги органлари томонидан ижро этилишининг аҳволи муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ўтказилган давра суҳбати давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоялашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича 2009 йилда ўтказилган мониторинг натижаларига бағишланди.

• Самарқанд шаҳридаги Темирўл деҳқон бозорида очилган янги икки қаватли савдо мажмуасига «Наврўз» номи берилди. Умумий савдо майдони 900 квадрат метрлик мазкур мажмуани хусусий тадбиркорлар маблағлари ҳисобига «Аср» хусусий фирмаси бунёд этди.

• Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва аxbорот технологиялари лицейида Баркамол авлод йили муносабати билан «Соғлом турмуш тарзи — соғлом оила пойдевори» тадбири бўлиб ўтди.

• Қашқадарёлик деҳқонлар 145 минг гектарлик майдонга экилган баҳорги экинлар парвариши юзасидан агротехника тадбирларини ўтказишни бошлади.

• Фарғона шаҳрида «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Баркамол авлод йилига бағишланган кино ойлиги бўлиб ўтмоқда.

• Фарғона туманидаги Сатторобод қишлоғи аҳли Наврўз байрамини ўзгача қувонч билан қутиб олди. Бу ерда замонавий лойиҳа асосида қад ростлаган янги мактаб ўз эшикларини очди. Осиё Тараққиёт банки кредити ҳисобига қурилган ўқув муассасасида ўқувчиларнинг илғор педагогик технологиялар даражасида билим олишлари учун барча шароитлар яратилган.

ЖАҲОНДА

• Ироқнинг олий мустақил сайлов комиссияси жорий йилнинг 7 мартда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини эълон қилди. Унга кўра мамлакатнинг собиқ бош вазир Айд Алави етакчилигидаги «Ал-Ироқ» муҳолиф блоки галабани қўлга киритиб, 325 та парламент ўрнидан 91 тасига эга бўлди. Голиб блок янги ҳукумат таркибини шакллантириш учун бошқа блоклар билан коалиция тузиши керак.

• Афғонистон жанубида халқаро коалиция кучларига тегишли вертолётга ҳужум уюштирилди. Забун музофотида содир бўлган бахтсиз ҳодиса натижасида 14 нафар ҳарбий жароҳатланган, ҳалок бўлганлар ҳақида эса аниқ маълумотлар йўқ. Ушбу ҳужумнинг «Толибон» жангарилар гуруҳи томонидан амалга оширилганлиги айтилмоқда.

• Чилида яна кучли zilзила содир бўлди. Ер қимирлашининг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,1 баллни ташкил қилган. Табиий офат маркази Сантьяго шаҳридан 282 километр жануби-ғарбда қайд этилган бўлиб, ҳозирча қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

• Бразилиянинг Сан-Пауло округидаги Морумби туманида олий ўқув юртлари ўқитувчи-профессорлари билан полиция ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада полиция ходимлари ва намоийшчилардан жами 16 киши тан жароҳатлари олди. Таъкидлаш кераки, олий ўқув юртларининг 5 мингга яқин ўқитувчилари давлат олий таълими тизимида меҳнатга ҳақ тўлаш шароитлари яхшиланишини талаб қилиб, норозилик намойиши уюштирган эдилар.

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари кўплаб мамлакатларда кескин тус олди. Жаҳон иқтисодиётида бундай мураккаб вазият вужудга келган бир пайтда, мамлакатимизда инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилиниши муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда макроиқтисодий муносабаликлар ҳамда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, sanoatning etakchi tarkomlarini, eksport bilan shugullanuvchi korxonalarini hamda kichik biznesni aniq iynaltilirilgan tarzda qullab-quvvatlashga, shuningdek aholini ijtimoiy muhofaza qilishga karatilgan mahmuviy choralar, inqirozga qarshi boshaq tadbiqlar nazarda tutilgan Prezident farmonlari va qarorlari yuzaga keladigan har bir muammoni hal etib borishda kul kelmoqda.

Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозларининг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлар Дастури, шу асосда қабул қилинган қатор муҳим фармон ва қарорлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу борада кўлами кенг ташкилий-тарғиботчилик ишлари йўлга қўйилди. Шайхонтоҳур туманидаги мактаб, лицей, коллежларда, олий ўқув юртрада, тиббиёт муассасаларида, маҳалларда аҳоли ўртасида муҳтарам Президентимизнинг иқтисодий инқирознинг олдинги олиш борасидаги фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти кенг тунуштирилди. Шу мақсадда 200 дан ортик тадбир ўтказилган бўлиб, уларда беш мингдан ортик киши қамраб олинди. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган долзарб ва масъулиятли вазифаларни бажаришга оммавий сафарбарлик ташкил этилди. Ўтган қисқа вақт сый-ҳаракатларимиз бесамар кетмаганлигини кўрсатиб турибди.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, дунёнинг аксарият давлатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни оқибатларини бартараф этиш қийинчилик билан кечаётган бир пайтда мамлакатимизда амалга оширилётган махсус чора-тадбирлар Дастури ўз вақтида ва узоқни кўлаб қўйилган энг катта қадам бўлганлиги бугун халқаро майдонда баралла эътироф этилмоқда.

2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг изчил ва барқарор-ривожлантирилиши, макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларининг таъминлини каби муҳим тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида туманда ҳам иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига ва белгиланган вазифалар бажарилишига эришилди.

2009 йилда амалга оширилган ишлар борасида тўхталадиган бўлсак, таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида туман ҳокимлиги ва унинг тузилмаларининг сый-ҳаракати мамлакатимиз Президентини томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши курашиш борасида қабул

Туманда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш тўғрисида гап кетганда, хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз. Яратилган кулай муҳит ва солиқ имтиёзлари ҳисобига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ортиб, ўсиш суръати 111,2 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида салмоқли ижобий силжишлар кузатилиб, жумладан, транспорт хизмати — 2,4 фоизга, молия — 31,6 фоизга, туризм-сайёҳлик — 25,9 фоизга, меҳмонхона — 12,8 фоизга, автомобиль ва бошқа техникаларни таъмирлаш хизматлари кўрсатиш даражаси 2,3 фоизга кўпайишига эришилди.

Иқтисодиётни эркинлаштиришда биринчи навбатда солиқ юқини қамайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилини-

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАН

қилинган дастурни амалга оширишга қаратилди.

Хусусан, туманимиз иқтисодиётида рўй берган ижобий ўзгаришлар куйидаги кўрсаткичларда намоён бўлмоқда. Саноат маҳсулотлари ҳажми — 101 фоизга, истеъмол товарлари — 102,7 фоизга, қурилиш ишлари — 100,6 фоизга, хизматлар — 111,2 фоизга тенг бўлганлиги алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутганлиги сабабли, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминлини таъминлашда етакчи тармоқ — sanoatning urni har doimgidek salmoqli buldi. Жаҳон бозорида турли маҳсулот ва хизматларга талаб пасайиб бораётган бир пайтда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури катта ўрин тутди. Маҳаллийлаштириш дастурига тумanning худудий тасарруфдаги 9 та саноат корхонаси 26 та лойиҳа билан жалб қилинган бўлиб, 60,9 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

ши натижасида давлат бюджети ортиги билан бажарилди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш — мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустақкамлаш бўйича тадбирлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қатъий чоралар қўрилди. Замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва мавжудларининг реконструкция қилиниши, бизнес учун кулай шароитлар яратилиши, ўз навбатида, ташқи иқтисодий алоқаларнинг фаоллашуви ва ташқи савдо айланмаси таркибидagi ижобий ўзгаришларга олиб келди. Натижаларга кўра, ташқи савдо айланмаси 408,9 миллион долларни ташкил қилиб, бунда экспорт ҳажми 26,3 миллион долларга бажарилди.

Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширишда инвестицияларни жалб қилиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди. Реал иқтисодиётга барча манбалар ҳисобидан йўналтирилган асосий капиталга ин-

вестициялар 145,7 миллиард сўмни ташкил этиб, аввалги йилга нисбатан 7,6 фоизга ошди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзлаштирилган капитал қўйилмалар изчил ортиши корхоналар маблағлари, тижорат банклари кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар орқали молиялашнинг ўсиб бориши ҳисобига таъминлини, иқтисодиётга жалб қилинаётган марказлаштирилмаган тўғридан-тўғри инвестициялар 11,1 фоизга ортиб, жами жалб қилинган инвестицияларнинг 85,5 фоизини ташкил этди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар ва дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 6979 та янги иш ўринлари ташкил қилинди. Шундан йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 589 та, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 5048 та, уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобига 789 та, инқирозга қарши ва бошқа қўшимча чоралар ҳисобига 553 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Янгидан ташкил қилинган иш ўринларининг 72,4 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳисобига яратилди.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, тан олишимиз кераки, иқтисодиётда мутаносибликни таъминлаш, иқтисодий ўсишда етакчи ўрин тутадиган ишлаб чиқариш, соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш, шунингдек, бандлик, аҳоли даромадларини кўпайтириш билан боғлиқ ўз ечимини топмаган муаммоларимиз ҳам мавжуд. Албатта, эришилган натижалар туман салоҳиятига нисбатан бирмунча паст, худуд иқтисодиётини ривожлантириш жараёнида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаганимиз йўқ. Демак, олдимизда турган муҳим устувор вазифалар ва мақсадли дастурларни амалга ошириш қаторида юзага келган муаммо ва камчиликларни ҳам бартараф этмоғимиз лозим.

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидлаб ўтганларидек, бугунги кунда ҳар бир раҳбар одамларнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топшида ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда самарали фаолият юритмоғи даркор.

АДЖАМ ЖУМАОБОВ,
Шайхонтоҳур тумани ҳокими,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

МАҲОРАТ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрик-танлов иштирокчилари «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери», «Йилнинг энг яхши хунарманди» — асосий йўналишлари бўйича ҳамда қўшимча «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Йилнинг энг яхши инновацион лойиҳаси», «Йилнинг ёшларга иш берувчи энг яхши корхонаси», «Йилнинг энг яхши хунарманд оиласи» номинациялари учун беллашдилар. Албатта, Президент соврини, қимматбахо совғалар омадларига насиб этади.

Пойтахтимиз вакиллари — «Rezalit Color» масъулияти чекланган жамияти ҳамда иқтидорли ёғоч ўймаkori Камолиддин Раҳимов танловнинг республика босқичида шаҳримиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

— Ёғоч ўймакорлигининг сир-асрорларини устозларимдан эринмай ўрганиб, унга беқиёс меҳр қўйдим, — дейди Камолиддин Раҳимов. — Ижодий фаолиятим давомида кўплаб тадбирларда эътирофга сазовор бўлдим. Хориж давлатларида ўтказилган бир нечта халқаро кўрғазмаларда маҳсулотларим билан иштирок этиб, миллий хунармандчилигимиз ютуғини намойиш этаппан. «Ташаббус»дан ҳам умидим катта. Албатта, унинг рағбатлари ҳаммамизни муваффақиятларга қорлайди.

Икки кун давом этган кўрик-танлов БУГУН якунланиб, голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланади. Меҳнати ва маҳорати олқишга лойиқларни яна бир ютуқ кутаётгани аниқ — бу «Ташаббус»нинг эътирофи, эл-юртнинг юксак ишончи.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: «Ташаббус—2010»нинг якуний республика босқичидан лавҳа.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Транспорт

БЕКАТЛАР ЯНАДА ГЎЗАЛЛАШДИ

Минтақавий темир йўл боғламаларида баҳорги кўрик ва Наврўз байрамига бағишланган оммавий тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Тошкент» минтақавий-темир йўл боғламасида олиб борилган ободончилик ишлари натижасида янги яшил майдончалар бунёд этилди. Бекатлар юмшоқ мебеллар билан жиҳозланиб, йўловчилар учун махсус ўриндиқлар ўрнатилди.

Боғламага қаршли «Сергели» ва «Тўқимачи» бекатлари ҳам ободонлаштирилди. Худудлардаги кўчаларни бир-бири билан боғловчи янги автомобиль йўли очилди. Пиёдалар йўлагига махсус тўсиқлар ўрнатилди. Кўчаларда барча ёриткичлар соз ҳолатга келтирилди.

Минтақавий темир йўл боғламаси раҳбарияти ва худудий касаба уюшмаси бу каби ободонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатган темирйўлчиларни муносиб тақдирлади.

БОЛАКАЙЛАР БИЛАН ТИЛ ТОПИШИБ

Тошкент Марказий темир йўл вокзали кўплаб йўловчилар учун қадрдон маскан сифатида кўпдан бери хизмат қилмоқда.

Айни вақтда йўловчилар учун ҳам барча қулайликлар муҳайё этилмоқда. Сафарга отланаётганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ота-оналари билан йўлга чиққан болакайлар учун ҳам қизикarli тадбирлар уюштирилаётган. Аиниқса, болалар ўйин зали гавжум бўлади. Бу ерда навбатчи ходим София Мадалимова кичик йўловчиларни қизикarli машғулотларга жалб этишга ҳаракат қилади. 15 йиллик фаолияти давомида меҳри дарё бу серзавк ходим вокзал раҳбарияти томонидан бир неча бор муносиб тақдирланди.

Жамшид АБДУЛЛАЕВ

МУЗЕЙДА МЎЪЖАЗ ВОКЗАЛ

Тошкент темир йўл техникаси музейи кўп йиллик тарихга эга. Ўзбекистон темир йўл магистралининг юз йиллик санаси муносабати билан бунёд этилган бу даргоҳ экспонатларга бой.

Улар орқали Ўрта Осиё худудидида темир йўл қурилиши тарихи билан боғлиқ турли суратлар, хариталар, ўша вақтда ишлатилган алоқа воситалари ва бошқа техникалар билан яқиндан танишиш мумкин.

Мамлакатимиз темир йўлларида илк бор ҳаракатланган поездлар макетлари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган.

Музейда мини-вокзал ва перронлар майдончасининг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди. Бу ерда алоҳида саёҳат поезди хизмати йўлга қўйилган. Эндиликда томошабинлар музейда сақланаётган ноёб экспонатларни сайр қилиб, кўздан кечириш имкониятига эга бўлди.

Акбар АЛИЕВ

2010 йил — Баркамол авлод йили

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўсиб келаётган авлод бахту саодати, иқболи ва камоли йўлида сый-ҳаракатларимиз бисёр. Шундай экан, фарзандларимизнинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига нафақат оиладаги муҳит, балки маҳалла-қўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.

Мирзо Улуғбек номи Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида ўтказилган «Баркамол авлод — ҳуқуқий юксалиш йўлида» мавзудаги анжуманда айни шу масалалар доирасида сўз борди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, шаҳар «Истикболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази томонидан ташкил этилди. Унда ички ишлар тизими, давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этишди.

Конференцияда ИИББ «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Омбудсманнинг ўрни, баркамол авлод юксалишида ҳуқуқий билимларнинг роли, ёшларнинг одам савдоси қурбонлигига айланган қолонинининг олдини олиш, тарбияси оғир ўсмирларга доир долзарб муаммолар, ҳуқуқбузарликни олдини олишда маҳалланинг аҳамияти сингар мавзуларга тўхталиб ўтилди.

— Бугунги тадбир ҳуқуқий онгимиз юксалишида ўзига хос аҳамиятга эга, — дейди Мирзо Улуғбек номи Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси Муродбек Давлатов. — Шундай экан, биз, ёшлар Ватанга садоқатли, маънавий олами юксак, дунёқараши кенг, фикри теран, меҳр-оқибатли, турли ёт гоғлар, таъсирларга берилмайди қатъиятчи бўлсакки, ҳар қандай мураккаб ва оғир синовларни енгиб ўта оламиз.

Анжуман давомида алоҳида қайд этилганидек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан бир қанча ташкилотларда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 38 та махсус мактаб-интернат, Меҳрибонлик уйлари, 7 та мактаб-гача тарбия муассасаси оталиққа олинган.

Конференцияда мавзу доирасида миллий таъриба ҳамда халқаро ҳуқуқий андозалар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Юртнинг кўрғони мустақкам, фарзанди соғлом ва баркамол бўлиши учун ота-оналар ҳушёр, маҳалла-қўй оғох, давлат ва жамият масъул бўлмоғи лозим.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк кунларидан «Менинг энг катта ишончим, мадад, таянчим, бу ўсиб келаётган ёшлардир», дея алоҳида эътибор кўрсатган эдилар. Мазкур эътибор самарасини мамлакатимиз ёшлари ҳаётида юз бераётган ўзгаришларда кузатишимиз мумкин.

Бугун юртимизда мутлақо янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий технологияларни ўзлаштиришга қодир, миллий ва умуминсоний қадрият руҳида камол топаётган маънан ва жисмонан етуқ ёшлар улғаймоқда. Уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун мукамил ҳуқуқий тизим яратилиб, ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Хусусан «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонулар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни юксак маънавиятли, теран тафаккурли инсонлар қилиб воғая етказиш, қизиқиш ва лаёқатига монанд касб-ҳунар эгаллашига яқиндан кўмаклашиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш имкониятини бермоқда. Айни пайтда ота-она меҳридан бебахра, ижтимоий, тиббий кўмакка муҳтож, мураккаб шароитда қолган болаларга меҳр ва гамхўрлик кўрсатиш, уларнинг таълим-тарбия олиш, касб-ҳунар эгаллаш, жамиятга

Ота-онадан фарзандга қоладиган энг муносиб мерос юксак ахлоқ ва гўзал тарбиядир. Шу боис барча даврларда тарбияга ҳаёт-мамат, умумбашарий ва умумижтимоий масала сифатида ёндашилган.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

интеграциялашуви учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш давлатимизнинг доимий диққат марказида турибди. Бу — мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан далолат беради.

2010 йилда амалга оширилганидек керак бўлган ўзгаришларнинг пировард мақсади: соғлом авлод камолоти бўлиши. Бунда ёш авлоднинг соғлом тарбиялаш, таълим тизимига илғор технологияларни жорий этиш, эл-юртга, Ватанга, оилага садоқатли, муносиб фарзандлар улғайтириш керак бўлади. Бу вазифа, ўз навбатида, ҳар биримиздан чин маънода фидойиликни талаб этади. Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги янгилаётган замон, шиддаткор давр ёшлар маънавиятида ўта ҳушёрликни тақозо қилади. Чунки дунёвий тарқалётган жараёнларда юзага келган ахборот коммуникация ва бошқа шу

каби турфа воситалардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган қабих ниятли турли сиёсий қучлар, ҳали улғайиб, фикран ўсиш ёшида бўлган ўғил-қизларни чалғитишга, тафаккурини эгаллашга уринади. Шу сабабли ёшларни гиёвандлик, ахлоқсизлик, турли сохта диний оқимлар, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» никоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш зарурати туғилади. Ёшлар маънавиятини бундай таъсирлардан асраб-авайлаш, улар тарбиясида янада ҳушёр бўлиш масъулияти ортади.

Мухтасар қилиб айтганда, фарзандлар тарбияси, соғлом ва баркамол авлод камолоти йўлида қилинаётган эзгу ишлар, албатта, келажақда ўз ижобий натижаларини беради.

ШУХРАТ ОСМАНОВ,
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори ўринбосари,
адлия майори

Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси



Солиқ

МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

Жисмоний шахслар томонидан даромадларини декларациялаш жараёни яқунланмоқда. Жорий йил 1 апрелга қадар ўтган йил давомида асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган фуқаролар жами йиллик даромадлари бўйича доимий яшаш жойларидаги солиқ органларига декларация тақдим этишлари лозим.

Бинобарин, фуқароларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, керакли маслаҳатларни бериш, уларнинг қимматли вақтларини беҳуда сарфламаслик солиқ идоралари ходимларидан алоҳида масъулият талаб этади.

Бу борада фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида шаҳар Давлат солиқ бошқармаси раҳбариятининг кўрсатмасига мувофиқ барча туман инспекцияларида фуқаролардан декларация қабул қилиб олиш бўйича махсус хоналар ташкиллаштирилиб, ушбу тадбирларга малакали мутахассислар жалб этилди. Хоналар керакли йўриқномалар, кўрсатма ва декларация қабул қилиб олиш билан боғлиқ бошқа тегишли иш қуроллари ҳамда алоқа воситалари билан таъминланди.

Жисмоний шахслар даромадларини декларация асосида солиққа тортиш жараёнини такомиллаштириш ва солиқ тўловчиларга декларация тақдим этишда қулайликлар яратишда эришилган ютуқлардан бири, бу Давлат солиқ кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «Солиқ декларацияларини қайта ишлаш» компьютер дастурий маҳсули бўлди.

Барча ҳудудий солиқ инспекцияларига ўрнатилган ушбу дастур бир неча йилдирки, амалда самара бериб, ўзини оқлади ва ҳозирда янада такомиллаштирилиб, унинг янги модули амалиётга жорий қилинди. Дастурдан унумли фойдаланиш ва маълумотларнинг электрон базасини шакллантириш ҳамда декларацияларни автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида декларация тақдим этаётган фуқароларимиз ортқча қўғоқозликдан ва маълумотларни тўплаш ишларидан озод этилиб, уларнинг қимматли вақтлари тежалишига эришилди. Бир сўз билан айтганда, ҳам солиқ тўловчига, ҳам солиқчига катта қулайликлар яратилди.

Даромад солиғидан имтиёзга эга бўлган фуқаролар йил давомида асосий иш жойи бўлмаган манбалардан даромад олган бўлса, уларга имтиёзлар декларацияни тақдим этиш вақтида солиқ органлари томонидан қўлланилади.

Шуни таъкидлаш кераки, жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш тизими, бу — фуқаролардан фақат қўшимча солиқ ундириш учун эмас, балки йил давомида олинган даромадга солиқнинг тўғри ҳисобланишини, амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ҳамда даромад солиғидан бериладиган имтиёзлар тўғри қўлланилишини таъминлашдан иборат.

Имтиёзлар тўғрисида гап кетар экан, Солиқ кодексининг даромад солиғи бўйича имтиёзлар қисмига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммаларига имтиёзлар берилди. Масалан, ёш оила аъзолари томонидан яққа тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартираларни қуриш ва қуришни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммалари, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яққа тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитлари, улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммалари даромад солиғидан озод қилинди. Бу билан янги оила қурган ёш оила аъзоларининг жамиятимизда ўз уринларини топишлари, топаётган даромадларидан унумли фойдаланишлари, соғлом ва мустақам оила барпо этишлари янада кенг қўламли шариот яратилди. Бундан ташқари, фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг олий ўқув юрталарида таълим олиш учун (ўзининг ёки 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари, Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғириб бориладиган пенсия ҳисоб вақрақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига даромад солиғи солинасизлиги белгиланди.

Амалдаги қонунчиликда солиқ декларациясини белгиланган муддатдан кечиктириб тақдим этган шахсларга нисбатан маъмурий, шунингдек, қўшимча ҳисобланган солиқни ўз вақтида тўламаган шахсларга нисбатан молиявий жарималар қўллаш кўзда тутилган. Шу сабабли декларация топшириши лозим бўлган жисмоний шахслар ҳисоботнинг яқуний санасини кутиб ўтирмасдан, йил бошидан яшаш жойларидаги солиқ органларига йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишлари, ҳисобланган солиқларни эса жорий йил 1 июнига қадар тўлаб қўйишлари мақсадга мувофиқ.

Бу борада яна бир ҳолат хусусида тўхталиб ўтиш жоиз — фуқаролар айрим сабабларга қўра бевосита солиқ инспекцияларига бориб декларацияни тақдим эта олмасалар, уни жойлардаги почта алоқаси бўлимлари орқали ҳам солиқ органларига юборишлари мумкин. Бир сўз билан айтганда, қонун доирасида тўланиши муқаррар бўлган тўловчи фуқароларимиз ўз вақтида амалдаги ошира олишлари учун бугунги кунда шариот ҳам, вақт ҳам етарли.

Ғиёс ДОСМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

Президент стипендиатлари

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти иккинчи курс магистранти Барно Мелиқулова Президент давлат стипендиясининг соҳиби бўлди.

— Мамлакатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлашлари боис бугунги кун ёшларига барча соҳаларда имкониятлар эшиги кенг очиб берилмоқда. Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши бу эзгу ишларнинг яна бир исботидир, — дейди биз билан суҳбатда Президент стипендиати Барно Мелиқулова. — Бундай юксак мукофотга сазовор бўлишимда катта хизматлари сингган устозларимдан миннатдорман. Мен шу нарсага амин бўлдимки, инсон изланса, интилса, ўз устида тинмай ишлаб, келажакка ишонч кўзи билан боқса, орзу қилган барча ниятларига эришади. Давлатимиз томонидан ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар кўп мамлакатларда ҳам йўқ. Ўтказилаётган қатор танловлар, мусобақалар замирида фақат биргина мақсад — иқтидорли ёшларни юзага чиқариш, уларни рағбатлантириш ва ўз устозларидан ишлашлари учун зарур шароитларни яратиб бериш мавжуддир. Шахсан мен билимли, юксак салоҳиятли, изланувчан тенгдошларим 390хоти-

да келажига буюк давлатимизнинг порлоқ эртасини кўраман. Шу жаннатмакон юртда туғилиб ўсганим учун минг бора шукроналар келтирмаман. Бор иқтидоримни юртим равнақи, тараққиёти йўлида сарф қилгим келади ва ёшларнинг кўпчилиги дилида ана шундай эзгу ниятлар билан яшаётганига ишонаман...

Барно Мелиқулова 2004 йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг «Ижтимоий маданий фаолият» факультетига ўқишга қабул қилинди. Ўзининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги, қизиқувчанлиги ва фаоллиги билан ўқитувчилар эътиборини қозонди. Турли фан олимпиадалари, «Сиз тарихни биласизми?» номили кўрик-танловларда биринчи ўринни қўлга киритди. Ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўзлаштирган ҳолда, адабий-бадиий ижод билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Ўзининг долзарб мавзудаги мақолалари билан «Туркис-тон», «Моҳият», «Оила ва жамият», «Маърифат», «Тошкент оқшоми» ҳамда институтнинг «Нафосат олами» жазеталарида қатнашиб келади.

«Тунчирик» деб номланган илк шеърый китоби ҳам бедор ўтган тунги ижодий изланишлар маҳсулидир. Барно нафақат илм-фан, балки санъат соҳасида ҳам бир қанча ютуқларни қўлга киритди. «Шаршара» ва «Алп» ғуруҳларида раққоса, қўшиқчи сифатида ўзини кўрсатди. «Ўзбекистон — Ватаним мени!» кўрик-танловида «Яккаҳон қўшиқчи» йўналиши бўйича юқори ўринни эгаллади. Наврўз байрами тантаналарида ҳам яккаҳон раққоса сифатида қатнашиб, институт шарафини химоя қилди.

Б.Мелиқулова 2008 йилда институтнинг бакалавр йўналишини имтиёзли тугатиб, «Маданият социологияси» мутахассислиги бўйича магистратурага қабул қилинди ҳамда юқорида таъкидланганидек, 2009-2010 ўқув йили учун таъсис этилган Президент давлат стипендияси соҳиби бўлди.

— Барнонинг тиришқоқлиги, ўз устида мунтазам ишлашдан толмаслиги, ён-

атрофдагиларга бўлган самимий муносабати, фан, маданият ва санъат соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари ҳар қандай таъриф-таъсифга лойиқ, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Мавроулов. — Билимга чанқоқлиги, теран фикрлаши билан у тенгдошларидан ажралиб туради. Биз, устозларнинг ягона тилаги, Барно каби иқтидорли қизларимизнинг сафи кундан-кунга кўпайиб бораверсин. Президентимизнинг бевосита гамхўрликлари остида уларга шундай имкониятлар эшиги очиб берилаётган экан, бундан оқилона фойдаланмаслик мумкин эмас. Мен Барно каби ёшлар тимсолида буюк Ватанимизнинг келажagini кўраман.

Ҳа, устоз ҳақ гапни айтдилар. Бу азиз ва муқаддас юрт учун ҳар қандай эзгу иш қилса арзийди. Барнонинг бугунги кундаги ютуқлари ўз меҳантини эвазига келган юксак мукофотдир. Бинобарин, «Излаган имкон топади», деган доно нақл бежиз айтилмаган.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Тадбирлар

ГУЛ БИЛАН ЛОЛА

Яқинда Сергели тумани хотин-қизлар кўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарбиёт маркази туман бўлимлари, 11-оилавий поликлиника ва «Хонобод» маҳалласи фаоллари ҳамкорлигида «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда она ва бола саломатлигини муҳофиза қилиш, соғлом бола туғилиши ва унинг тарбияланиши жараёнида маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти, мутахассислар иштирокидаги ёш оналар билан олиб бориладиган давра суҳбатларининг долзарблиги ва аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Албатта, мақсади-миз эртаимиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, етук ва баркамол бўлиб униб-ўсишларига замин яратишдир, — дея таъкидлашди тадбир иштирокчилари.

Туман хотин-қизлар кўмитаси расиси Дилором Раҳимжонова, тибби-

ёт бирлашмаси бош шифокори Бобур Турсунов, «Маҳалла» жамғармаси расиси вазифасини бажарувчи Равшан Бобоев, 11-оилавий поликлиника бош шифокори Рустам Қосимов ва бошқалар дастурда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, она ва бола саломатлиги йўлида қилинаётган ишларнинг аҳамияти, ёш қизларни турмушга тайёрлаш борасида ўтказилаётган тадбирларнинг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз юритдилар.

Тадбир савол-жавобларга бой тарзда мазмунли ва мароқли яқунланди.

Рухсора КАРИМОВА

Туйғулар

ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ИБРАТ

Ернинг роҳатидан азоби кўп. Ҳамамо роҳатларнинг таги аслида азобга қоришган. Роҳатнинг азобга, азобнинг роҳатга мубаддал бўлишини ҳаёт деймиз. Лекин бу мубаддаллик бизданми ё кўкданми, билмаймиз. Бирор воқеа рўй берса, қисмат пешона, деб кўя қоламиз. Биздан бўлса ҳам кўкдан деб ўзимизни овутамиз. Чунки биздан дейиш жуда аччиқ ва уни кўпинча пешонага сиғдириб бўлмайди. Кўкдан десак, кўкнинг ишлари бизга боғлиқ эмас, деб қисматимизга кўникамиз.

Ҳеч ким қўл бўлишни ёқтирмайди. Қўл бўлишни истамайди. Лекин ҳар қандай инсофи бор одамга сиз яхшиликнинг қулисиз, десангиз, у бунга рози, қуриган кўксини шу сўзингиз билан ийдиргандайсиз. Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат...» асарига бир улғу доғи-манд бобо ўз тарбиясига топширилган шогирдига: мен сиз учун кўксини қуритдим, дейди. Одамнинг одамга қилар яхшилиги ва тарбиянинг қамоли шу даражага етиши мумкин.

Шу сўзларни ўқиб ўтириб лол этиб бирдан онам ёдимга тушдилар. Уларнинг умри кўз ўнгимга келди. Бир кунга ўз ранжиганларини билдирмасликка интилиб, охишта айтган сўзлари ҳазин оҳанги билан яна қулоғим остида эшитилди.

— Болам, мен сизни деб кўксини қуритдим. Сиз энди ўз ҳаёлингиз билан ўзингизсиз. Кимга уйлансангиз ўзингиз биласиз... Сизга гап ўргатгулик эмас...

Дарвоқе, онам айтган қизга уйланоладим. Онамининг орзулари ўртада қавм-қариндошчилик ипларини боғлаш ва мустақамлаш эди. Онам яқин-узқоқ қариндошларини, умуман инсон боласини кўп химоя қилар ва ҳар неки ўзларида борини қўшни ва қариндошларига илинара эдилар.

Ўқимшли фозил укалари урушдан ногирон бўлиб қайтди. Отам била ҳўп уринишиб уни яхши хонадоннинг қизига уйлантирдилар. Суюкли тоғамиз кетма-кет уч бора ҳалво билан оғизлари чучиди. У кишининг

Бугунги кун ўсмир қизларининг дилида, фикру ҳаёлларида қандай орзу-умидлар яширинганини ҳамма оналар ҳам англайвермайди. Улар билан сирлашишга, дардлашишга, пинҳона эзгу ниятлари билан ўртоқлашишга ҳаммамизнинг ҳам вақтимиз етмайди. Оила ташвишлари, ишхона юмушлари билан кун қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қоламиз.

Аммо ораимизда шундай аёллар борки, улар қайси соҳада бўлмасин ён-атрофларидаги хотин-қизларга бирдек ёрдам қилини чўшилади, уларнинг ички оламига кириб боришга, баъзи бир қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтишда ширин сўзлари-ю доно маслаҳатларини айтишга тайёр. Марҳабо Исломова ана шундай аёллардан биридир.

Қариб ўттиз йиллик ҳаётини ёшларга таълим беришдек шарафли касбга бағишлаган, аёллар ва қизларнинг энг яқин сирдоши бўлиб келаётган Марҳабо онани аслида оддийгина меҳнаткаш аёллардан, дейишимиз мумкин. У ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисодий география факультетини имтиёзли тугатиб, 39-мактабда илмий бўлим мудири, сўнгра Учтепа туманидаги 64-катталар таълим марказида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, директор вазифаларида фаолият олиб борди. 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов номи академик лицейда бўлим бошлиғи, бугунги кунда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосаридир.

— Мен ёш қизларимиз билан бўладиган муаммоларни суҳбатларда зийракроқ бўлишга, уларнинг дилини тушунишга, зарур бўлса — ёрдам беришга ҳаракат қиламан, — дейди Марҳабо Исломова. — Қизлар тарбияси ўта нозик ва мураккаб жараён. Айниқса, ўн олти, ўн етти, ўн саккиз ёшли қизларнинг ички оламида биз истаймизми, йўқми ҳам биологик, ҳам маънавий ўзгаришлар бўлаверади. Улар оламга ўз кўзлари билан боқадилар. Айни шу ёшда уларга янаям эътиборли бўлиш нафақат ота-оналардан, балки ўқитувчилардан ҳам талаб этилади. Таълим бераётган ҳар бир ўқувчига биз ўқитувчилар ўз фарзандимиздек муносабатда бўлишимиз, уларнинг фикрларини ҳурмат қилишимиз фақат устозгина эмас, яқин дўст, маслаҳатчи бўлишимиз лозим. Аммо гуруҳ курсаксиз бўлмаганидек, ўқувчи шахсини фақат унинг билими билан ўлчайдиган, унга ёрдам бериш ўрнига камситадиган ва шахсий муносабатлари туйғайли гаразгүйларча ўқувчи обрўсини тўқишга интиладиган ўқитувчилар ҳам учраб туради. Бу эса бизнинг оғрикли нуқталаримиздан бири саналади.

Замондошларимиз

ДОНО МАСЛАҲАТЛАРИ ҲАМИША АСҚОТАДИ



Бундай олиб қараганда, унинг фаолияти бошқа устозлар тарихида ҳолдан кўп фарқ қилмайдигандек туюлади. Аммо жамоадаги ташаббускорлиги, жонқурлиги, ўқув масканда шогирдлари дарабасида олиб бораётган ишлари устозлар ва талабалар жамоасида уни ҳаммиса ажратиб тутади.

Устознинг «Илм — қони бойлик», «Аёл қалби наволарин», «Қизим — қизил гулм меннинг», «Ҳаё билан сирлашамиз», «Саломатлик — гўзаллик» каби бир қатор мавзуларда ўтказиб келаётган турли тадбирлари, давра суҳбатлари асосида хотин-қизлар саломатлиги, қийинчилик, гаплашиш маданияти, урф-одатлар, анъаналар, қизларни турмушга тайёрлаш, тиббий маданиятни ошириш, нафақат ёш қизлар, балки аёл ўқитувчиларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш, ўқувчилар билан мулоқат жараёнидаги ўзаро ҳурмат тамойиллари мавжуд.

Дарҳақиқат, ҳар қандай шароитда ҳам ўқитувчи илм, энг таратувчи ҳисобланади. Шундай экан, улар юксак маънавиятли ва ўта маданиятли бўлишлари, ўқувчи шахси, нуфузини ҳаммиса юксак тутишлари шарт. Ёшлар мисоли нозик бир ниҳол. Бинобарин ниҳолга ҳар доим, ҳамма вақт парваририш ва химоя керак. Уларни тўғри йўлга йўналтириш, ўз устозларида мунтазам ишлашга ўргатиш, ҳар бир фанга муҳаббат уйғотиш, онгли, идрокли ва билимли қилиб тарбиялаб бериш — энг асосий вазифасидир.

Марҳабо Исломова ҳам шундай фикрлайди ва шу асосда тинимсиз меҳнат қилади. Шундай устозлар ҳаммиса бор бўлишин.

Гулнор САТТОРОВА
СУРАТДА: Марҳабо Исломова қизлар билан мулоқот чоғида

Ёшлар — келажакимиз

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ИШОНЧИ ВА ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда келажак авлоднинг билимли, соғлом ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган етук касб эгалари бўлиб вояга етишида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ватанимизни янада раванг топтириш, унинг куч-қудратини ошириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда келажак авлоднинг соғлом тафаккур, юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялаш, ёшларнинг билим олиш, касб-хунар эгаллаши, жамиятимизнинг ишончи ва таянчига айланиши йўлида барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Булар таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маънавият ва маърифат, ижтимоий ҳимоя каби бир қатор йўналишларда олиб борилаётган ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Бугунги кун талабидан келиб

чиққан ҳолда «Шодлик» никоҳ уйи томонидан репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни вояга етказишга ҳисса қўшиш мақсадида «Еш оила» мактаби фаолияти йўлга қўйилган. Адлия вазирлиги ташаббуси ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мактаб машғулотлари Юнусобод туманида жойлашган Машинасосозлик касб-хунар коллежи, Кимё-технология ва молия академик лицейларида турли соҳа мутахассислари иштирокида мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Машғулотларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тиббиёт соҳаси вақил-

лари, «Камолот» ЕИХ, маҳалла фаоллари, республика «Оила» илмий-амалий маркази ходимлари жалб этилган.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»-ги Қарорлари ижроси йўлида «Тиббий кўрикнинг мақсади ва аҳами-

яти», «Шарқона одоб ва ахлоқ, миллий қадриятлар», «Гийвандлик ва ичкиликбозлик — оила заволи», «Келажакда фарзанднинг соғ-саломат ва баркамоллиги сизнинг қўлингизда» каби қатор мавзуларда давра суҳбатлари, турли анжуманлар ўтказилиб, ёшларнинг ҳар томонлама билим ва кўникмаларини ошириб боришга ҳаракат қилинмоқда.

Бундан ташқари, никоҳдан ўтиш ҳақида ариза бераётган келин-куёвлар билан суҳбатда оила аталмиш муқаддас масканга илк қадам қўйишларида зарур бўлган билим, тажриба, олижаноб масалаларни ўрганиш, маънавий, ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида 24 соатлик

дастурдан иборат машғулотлар ташкил этилган. Унда «Камолот» ЕИХ туман кенгаши, репродуктив саломатлик маркази ходимлари, «Оила» илмий-амалий маркази, туман тиббиёт бирлашмаси, Адлия бошқармаси мутахассислари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари ҳамда диний идора вақиллари ҳам иштирок этиб, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Мақсад янги қурилаётган оилаларнинг мустаҳкамлиги ва ахиллигини таъминлаш, оилада соғлом муҳитни яратиш, бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш учун йил давомида «Соғлом турмуш тарзи — жамият тараққиётининг бош омили», «Қадриятлар, урф-одатлар ва ёшлар», «Баркамол авлод — юрт келажак», «Бола — бизнинг келажакимиз» каби қатор мавзуларда тадбирлар ўтказилишини режалаштириб, ёш авлод тарбиясида масъулиятни ҳис этган ҳолда, вазифаларни тўлиқ адо этишга киришдик.

Гўзалхон УСМОНОВА, «Шодлик» никоҳ уйи раҳбари



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ЕТИМЛАРНИНГ БОШИНИ СИЛАШ ҲАҚИДА

Бир етимни ҳар киши хандон қилур, Ўзини жаннатда гул бўстон қилур.

Ол хабар туну кун етимни ҳолидин, Олмағил ҳаргиз ани пулу молидин.

Эй биродар, қил етим кўнглини шод, Тут қулоғингда «фало такҳар»ни ёд.

Етимнинг оҳидур бир тигу буррон, Жуббаву жўшдин ўтгай тез паррон.

Гар етим оҳ ё афгон қилур, Арш бирла Курсини ларзон қилур.

Етим кўнглини шод этган эминдур, Етим кўнглини оғритган лаъиндур.

Истасанг Ҳақни ризосин эй ўғул, Етимга туну кунда раҳмдил бўл.

Қилмағил бу амрға ҳаргиз хилоф, Ҳар етимнинг дуоси мустажоб.

Гар етимга ҳар киши сангдил дурур, Бегумон одам эмас сангдил дурур.

ГУМОН ВА ЁМОН АНДИША ҲАҚИДА Бу насихат ёд ол, эй кўру кар, Ҳар ёмон андешадин қилгил ҳазар.

Қилмағил ҳаргиз ёмон андешани, Солмағил жисмингга тигу тешани.

Жону кўнглунг ичра тут, эй баҳравар, Қилма ҳар жонга ёмон андешалар.

Ҳар кишида гар ёмон андеша бор, Бўлғусидур оқбат ул шармисор.

Бўлса ҳар кимни ёмон андешаси, Тобмағай равнақ ани қилгон иши.

Ҳар ёмон андешаи баддин йирок, Бўлса, ул бўлғай банийатдан йирок.

Гар киши андешаи баддин йирок, Бўлса руҳи қилғай они тумтарок.

Бад гумон ширки хафийдур, эй ўғул, Қилмағил андешаи бадни қабул.

Эй биродар, тут бу сўз кўнглингда ёд, Кўз очиб юмғунча йўқтур эътимод.

(Давоми бор) Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОҚОВА тайёрлаган

Спорт янгиликлари

«Пахтакор» марказий стадионида Осиё чемпионолар лигаси турнирининг «Пахтакор» ҳамда Эроннинг «Сепохон» жамоалари ўртасидаги гуруҳ баҳси бўлиб ўтди.

«ПАХТАКОР» — ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шу кунгача Осиё чемпионолар лигаси турнирида «Пахтакор» ва «Бунёдкор»нинг «Сепохон» билан ўтказган учрашувларида ҳамшаҳарларимизнинг қўли баланд келган, яъни футболчиларимиз фақат галаба нашидасини суришган.

Бу сафар биринчи бўлимда ўйин асосан тенг курашлар остида ўтди. Ҳар икки жамоа томонидан уюштирилган ҳужумлар ҳимоячилар томонидан қайтарилди. Фақат 38-дақиқада Геворгян жамоасидашлари томонидан амалга оширилган ҳужумни самарали якулади — 1:0. Аммо шундан кейин хотир-жамликка берилган ҳамшаҳарларимиз ҳимояда ҳатто йўл қўйишда ва меконлар футболчиси Аҳмад Жамшидиан ҳужумларнинг бирида аниқ зарба билан ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Иккинчи бўлимнинг бошиданок «Пахтакор» мураббийи Радуйевич моҳир ҳужумчи Гейнрихчи майдонга туширди ва бу ўз самарасини берди. Рақиблар дарвозаси томон белгиланган жарима тўпини Гейнрих аниқ амалга оширди ва ўз жамоасининг 2:1 ҳисобида олдинга чиқиб олишини таъминлади. Ҳар икки жамоа вақиллари иккинчи бўлимда ҳисобни ўзгартириш мақсадида қўлба ҳавфли вазиятларни содир этишга ҳаракат қилишди. Аммо ҳисоб ўзгармади ва «Пахтакор» 2:1 ҳисобида муҳим галабани қўлга киритиб, гуруҳда яна пешқадам бўлиб олди. Энди пахтакорчилар 31 март кун Исфаҳонда «Сепохон» жамоаси билан Осиё чемпионолар лигаси турнири гуруҳ баҳсининг такрорий учрашувида ўзаро куч синашишади.

ДАРВОЗАЛАР ДАХЛСИЗ ҚОЛДИ

Футбол мухлислариға маълумки, ўтган йилги мамлакат чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллаган Қаршининг «Насаф» жамоаси жорий йилда Осиё чемпионолар лигаси турнирида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Шу боис ҳам Ўзбекистон XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигасининг «Локомотив» — «Насаф» жамоалари иштирокидаги 2-тур баҳси кунга кеча ўтказилди. Маълумки, ўтган йилги мавсумда пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив» жамоаси ҳам анча сермазун ўйин намойиш этган ва турнир жадвалида олтинчи ўринни эгаллаган эди. Жорий йилги мавсумда ҳам темирўйилчилар совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилишлари ҳеч кимдан яширишмаяпти. Шу туфайли ҳам қаршиликлар билан уюштирилган баҳс анча қизиқarli курашлар остида ўтди. Ҳар икки жамоа дарвозалар томон кўп марта ҳавфли ҳужумлар уюштирди. Бирок, ҳимоячиларнинг беҳато ҳаракати туфайли 90 дақиқа давом этган учрашувда дарвозалар дахлсиз қолди. Ва муроса йўлини танлаган жамоалар биттадан очкони қўлга киритишди.

Ақбар Йўлдошев

Анжуманлар

ДАСТУР БАЖАРИЛИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Саломатлик ва тиббий статистика институтининг шаҳар бўлимида Бутунжаҳон силга қарши кураш кунига бағишлаб анжуман ўтказилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиға кўра, ҳозирги вақтда бутун дунёда ҳар йили 10 миллион киши сил билан касалланади ҳамда 3 миллион киши сил туфайли дунёдан кўз юмади. Бу касалликнинг ўзига хос томони шундаки, ўсимирлар ва ёшларни, фертил ёшдаги аёлларни кўпроқ зарарламоқда, беморларнинг 30 фоизи 15-50 ёшлиларга тўғри келади.

«Силга қарши кураш давом этади. Тараққиётни тезлаштириш учун янги ёндошувлардан фойдаланинг» шиори остида ўтган анжуманда Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, республика ихтисослашган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, шаҳар сил касалликлари диспансери, ДОТС маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти вақиллари ва бошқалар иштирок этиди. Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу оғир касалликнинг юкини сабаблари, асоратлари, олдини олиш чора-тадбирлари ҳамда даволаш йўллари ҳусусида батафсил маълумот бердилар. Шунингдек, 1999 йилдан Ўзбекистонда халқаро жамиятларнинг маслаҳат ва молиявий кўмаги билан силга қарши курашнинг янги дастури — ДОТСни татбиқ қилиш бошланганлиги, бу дастур Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан бошқа мамлакатлар учун ҳам тавсия қилинганлиги, ДОТС касаллигини микроскоп, флюорография, ташхис усулларида аниқлаш, беморлар учун юқори самарали стандартланган даволаш тартиби ва дори-ларни назорат остида қабул қилишга асосланганлиги, 2004 йилдан бошлаб барча туманларда ДОТС дастури бўйича сил касаллигини аниқлаш ва даволаш ишлари олиб борилаётганлиги ҳақида сўз юритилди.

— Бугунги кун тартибидеги муҳим масала — сил касаллигига қарши кураш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, аҳолининг тиббий савиясини ошириш, сил касаллигининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган дастурларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат, — деди Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар бўлими директори Эльвира Маракеева. Дилором ИКРОМОВА

Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий кўргазмалар дирекцияси, Тошкент фотосуратлар уйи ҳамкорлигида «Наврўз — 2010» кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кўргазмалар

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ МАНЗАРАЛАРИ

Кўргазма уч бўлимдан иборат бўлиб, замонавий, анъанавий амалий безак санъати ҳамда «2010 йилда Ўзбекистон уста куллоллари» юбилейларига бағишланади.

Таниқли уста куллолларимиз Назира Қўзиева, Ануш Авакян, Наталья Осипова, Римма Газаилева, Людмила Козлова, Фания Дедюневалар замонавий амалий санъат асарларини мухлисларга тақдим қилган бўлсалар, Анастасия Пауткина, Наталия Марат-ковалар томошабинларни батикларга ишланган гўзал асарлари билан ҳайратга солдилар.

Лола Бобоева томонидан ишланган анъанавий ва замонавийлики ўзида уйғунлаштирилган тарихий кийимлар галереяси эса янада жозибали кўринмоқда.

Кўргазмани янада бойитиш мақсадида амалий санъат турларидан бири бўлган сўзаналар экспозицияси ҳам намойиш этилмоқда. Сўзаналарда Самарқанд ва Бухоро вилояти намуналари акс этган. Шунингдек, ёш моҳир уста Мадина Қосим-бобоеванинг Шаҳрисабз каштачилиги намуналарини барчанинг диққатига сазовор бўлмоқда.

Тошкентлик уста куллоллар А.Ғофуров ва А.Қасимовларнинг ишларида ҳам қатъий шакл, улларга монанд нақшлар бежиримлиги ва нафислиги кўзга ташланади.

Ғоҷ уймакорлигининг нозик қирраларини истеъдодли усталаримиз Ю.Қосимов, Х.Азимов, У.Салимов ва Д.Одидовлар моҳирона нафислик билан буюмларда акс эттирган.

Кўргазмага қўйилган ҳар бир асарда юртимиз тарихи, унинг бой маданий мероси, анъана ва қадриятлари ўз аксини топган.

— Наврўз — Шарқ халқлари орасида бир неча минг йиллардан буюн нишонлаб келинаётган улғу байрамдир, — дейди Тошкент фотосуратлар уйи директори Жаҳонгир Изинтаев. — У табиятнинг ўзидан келиб чиққан, куну тун тенглашганидан сўнг узлуксиз қизгин меҳнат арафасидаги байрамдир. Узоқ

қийиндан сўнг кўзда қўвнинг юз қўрсагини, қирларда майса гилёҳларнинг ниш уриб чиқиши халқимиз учун ҳақиқий байрамга айланган. Табиатнинг жонлангани, кўкларнинг юртимиз узра сеп ёйиши, яшариш ва янгила-нишнинг қизгин жараёнлари айти Наврўзда бошланади. Шундай экан бу қутлуғ байрамнинг ўзига хос қирраларини ҳар қанча санъат асарлари, гўзал кўринишлар сайқалида тасвирлаган билан унинг ниҳоясига этиб бўлмайди. Чунки Наврўз ўзида жамики ранг-барангликни, кўркамликни, жилвакорликни жамлаб олган қиёси йўқ улкан айёмдир. Кўргазмадаги тасвирлар эса унинг чексиз қирраларининг бир қисмидир холос.

Кўргазма доирасида турли концерт дастурлари ва ижодий кечалар ҳам бўлиб ўтмоқда. Гулчехра САТТОР қизи СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.



ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агрораноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидеда ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1.Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 10.10.2009 йилдаги № 1-5844-09-сон ижро ҳужжатига асосан Ф.А.Тўхтаевга тегишли умумий майдони 344 кв.м.дан иборат бўлган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Бешариқ кўчаси, 40 А-уйда жойлашган гўшт маҳсулотлари учун мўлжалланган цех биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 65 000 000 сўм.

2.Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 05.11.2007 йилдаги № 1-665-сон ижро варақасига асосан «Жарарик» жарима майдончасида сақланаётган 1992 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. Х 320 ONM бўлган «БМВ» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 14 396 570 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 4 май кунги соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридеги кўчмас мулк 2010 йил майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 20 май кунги бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали ҳисоб рақамига 20208000704632976001, ТИФ Миллий банк С.Раҳимов бўлими, МФО 00876, ИИН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимосиди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: ДВ 001 №000003

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки

2010 йил 6 мартдан бошлаб

СИЗ УЧУН, БОЛАЖОНЛАР!

МАКТАБ ўқувчиларининг таътил кунларида НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШ-ЛАНГАН БАҲОРГИ КАТТА ДАСТУР

Дастурда «Ўзбекистон йигитлари» жамоаси артистлари, шунингдек маймунчалар, пакана отлар, ламалар, эчкичалар, қабутлар, кучуқлар қатнашади.

ТОМОШАЛАР: иш кунлари 11.00, 14.00, шанба ва яқшанбада 12.00, 15.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туманлардаги кассирлар томонидан сотилмоқда.

Пул турлича шаклда тўланиши мумкин. Касса зрталаби соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4721 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 5